

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017. Fіl.19.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ
УНИВЕРСИТЕТИ**

ТОШЕВА ДИЛДОРА АБДУМАЛИКОВНА

**ЗООНИМ КОМПОНЕНТЛИ МАҚОЛЛАРНИНГ
ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

10.00.11 – Тил назарияси. Амалий ва компьютер лингвистикаси

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2017

УДК: 811.512.133
811.111

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of the dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Тошева Дилдора Абдумаликовна Зооним компонентли мақолларнинг лингвокультурологик хусусиятлари	3
Тошева Дилдора Абдумаликовна Лингвокультурологические особенности зоокомпонентных пословиц	25
Tosheva Dildora Abdumalikovna Linguo-culturological peculiarities of proverbs with zoonym components	47
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works	51

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017. Fil.19.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ

ТОШЕВА ДИЛДОРА АБДУМАЛИКОВНА

**ЗООНИМ КОМПОНЕНТЛИ МАҚОЛЛАРНИНГ
ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

10.00.11 – Тил назарияси. Амалий ва компьютер лингвистикаси

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2017

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.2.PhDFil224
рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.navoiy-uni.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Холманова Зулхумор Турдиевна
филология фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Каримов Суюн Амирович
филология фанлари доктори, профессор

Улуқов Носиржон Муҳаммадалиевич
филология фанлари доктори, профессор

Етақчи ташкилот:

Тошкент давлат шарқшунослик институти

Диссертация ҳимояси Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017. Fil.19.01 рақамли илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2017 йил «__» «_____» соат_____даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил:100174, Тошкент, Университет кўчаси, 4. Тел.: (99871) 246-63-58; fax: (99871) 246-53-21; e-mail: tdutau_nazorat@edu.uz.)

Фалсафа доктори диссертацияси билан Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил:100174, Тошкент, Университет кўчаси, 4. Тел.: (99871) 246-63-58.

Диссертация автореферати 2017 йил «__» _____ кун тарқатилди.
(2017 йил «__» _____ даги __рақамли реестер баённомаси).

Ш.С. Сирожиддинов

Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

Ё.Р. Одилов

Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш котиби, филол. ф.д.

Н.М.Маҳмудов

Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
филол. ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида олам манзарасининг тилда акс этиш даражасини ўрганиш халқнинг яшаш ҳудуди ва шароити, турмуш тарзи, ментал хусусиятлари, миллий характер каби тушунчаларни таҳлил қилиш, халқ маданий тараққиёт даражасининг воқеланиши, этномаданий этика тамойиллари, оғзаки манбалардаги маданият ифодаловчи белгиларни ажратиш, ижтимоий муносабатлар, халқлар орасидаги мулоқот кўринишлари ҳамда муомаланинг ахлоқий-маданий меъёрларини атрофлича таҳлил қилишни тақозо этади.

Жаҳон лингвистикасида этник маданият шаклланиши ва ривожланиш хусусиятларини ифодаловчи тил бирликларининг этнолингвистик хусусиятларини аниқлаш, тил ва маданиятнинг ўзаро алоқаси ҳамда таъсири билан боғлиқ жараёнларни очиб бериш долзарб масалалардан ҳисобланади. Глобаллашув даврида барча соҳаларда умумий характердаги муаммоларнинг юзага келиш, маданиятларнинг уйғунлашиш ҳоллари намоён бўлмоқда. Бугунги кунда қардош ва қардош бўлмаган тилларга қизиқиш, бошқа халқлар маданияти, урф-одат, анъаналарининг тилга таъсирини асослаш, пармеологик бирликларнинг когнитив ва лингвокультурологик хусусиятларини аниқлаш каби устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Мустақиллик даври ўзбек тилшунослигида антропоцентрик парадигманинг шаклланиши психоллингвистика, прагмалингвистика, когнитив тилшунослик каби йўналишлар қаторида лингвокультурология масалаларини ўрганиш, соҳанинг предмети ва вазифалари, методлари ва тушунчавий-терминологик аппаратини ўзлаштириш, тил бирликларида маданий жиҳатларнинг акс этиш томонларини аниқлаш, ўзбек тилидаги матнлар ҳамда пармеологик бирликларни тил ва маданият муносабати нуқтаи назаридан тадқиқ қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўзбек тилшунослигида кейинги йиллардагина тил ва маданият муносабати, тил тизимидаги миллий ўзига хос элементлар тадқиқига бағишланган ишлар шаклланимоқда, лингвокультурологик тадқиқотлар, луғатлар яратилмоқда. Шу билан бир қаторда, мавжуд тадқиқотларда зооним компонентли ўзбек мақоллари лингвокультурологик аспектда ўрганилмаган. Зоонимларнинг номланишида, белги-хусусиятлари ифодасида турли халқларнинг муштарак, айна пайтда ҳудудий ва ментал хусусиятлари ҳамда маданий муносабатлари билан белгиланувчи фарқли жиҳатлари очиб берилмаган. Шу маънода зооним компонентли мақолларни тавсифлаш ва таснифлаш халқ дунёқараши ва қадриятларини, миллий тилнинг миллий-ментал хусусиятларини ўрганишда, матн семантикасини ёритишда муҳимдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сон «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида»ги фармони, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада

такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда янги таҳрирда қабул қилинган «Давлат тили ҳақида»ги қонуни ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунё тилшунослигининг диққат марказида бўлган масалалардан бири тил ва маданият муносабати, тил тизимидаги миллий ўзига хос элементлар тадқиқига бағишланган ишлардир. Хорижлик олимлар А.Вежбицкая, Е.В.Бабаева, Л.Е.Вильмс, Н.В.Барышев, В.Маслова, З.У.Абдуалиева, Н.Ф.Алефиренко, З.К.Сабитова, И.А.Мурзинова, О.Бичерларнинг илмий ишларида лингвокультурологиянинг шаклланиш босқичлари, лисоний-маданий тадқиқот усули, концепт тушунчаси, дунёнинг лисоний манзараси каби масалалар ёритилган¹.

¹Вежбицкая А. Язык. Культура. Познание / Пер. с англ., отв. ред. М.А. Кронгауз, вступ. ст. Е.В.Падучевой. – М.: Русские словари, 1996. – С. 35.; Бабаева Е.В. Культурно-языковые характеристики отношения к собственности (на материале немецкого и русского языков): Дисс. ... канд. филол. наук. – Волгоград, 1997. – 207 с.; Вильмс Л.Е. Лингвокультурологическая специфика понятия “любовь” (на материале немецкого и русского языков): Дисс. ... канд. филол. наук. – Волгоград, 1997. – 212 с.; Барышев Н.В. Национальная специфика лексико-семантических полей «Средства передвижения» в русском и английском языках: Дисс. ... канд. филол. наук. – Воронеж, 1999. – 156 с.; Маслова В. Лингвокультурология: Учеб. Пособие. – М.: Академия, 2001. – 165 с.; Чжэн Инкуй Русские зоонимы в комплексном лингвистическом рассмотрении: Дисс. ... канд. филол. наук. – Москва, 2001. – 198 с.; Грабарова Э.В. Концепт *savoir-vivre* во французской лингвокультуре и его русские соответствия: Дисс. ... канд. филол. наук. – Волгоград, 2004. – 179 с.; Айдогмуш Э. Турк жана кыргыз тилиндеги зоонимдер: Дисс. ... канд. филол. наук. – Бишкек, 2004. – 198 с.; Артемова О.Е. Лингвокультурная специфика текстов прецедентного жанра “лимерик” (на материале английского языка): Дисс. ... канд. филол. наук. – Уфа, 2004. – 235 с.; Багдасарова Н.А. Соотношение вербализованных эмоций в русском и английском языках: Дисс. ... канд. филол. наук. – Москва, 2004. – 182 с.; Балашова Е.Ю. Концепты любовь и ненависть в русском и американском языковых сознаниях: Дисс. ... канд. филол. наук. – Саратов, 2004. – 262 с.; Киндря Н.А. Английские и русские фразеологизмы с компонентом-зоонимом в свете истории культуры: Дисс. ... канд. филол. наук. – М., 2005. – 203 с.; Березович Е.Л. Язык и традиционная культура. – М.: Андрик, 2007. – 599 с.; Гафарова Қ.Т. Сопоставительный анализ фразеологических единиц с зоонимами и фитонимами в таджикском, немецком и русском языках: Дисс. ... канд. филол. наук. – Душанбе, 2007. – 208 с.; Горбенко М.В. Стереотипы восприятия зоонимов в межкультурных коммуникациях: Дисс. ... канд. филол. наук. – Челябинск, 2009. – 196 с.; Гукетлова Ф.Н. Зооморфный код культуры в языковой картине мира (на материале французского, кабардино-черкесского и русского языков): Дисс. ... док. филол. наук. – Москва, 2009. – 267 с.; Батсүрэн Рэнчин Отображение универсальных и этноспецифических черт языковой картины мира в фразеологических фондах английского, русского и монгольского языков (на материале фразеологизмов-соматизмов и зоонимов): Дисс. ... канд. филол. наук. – Саратов, 2010. – 231 с.; Абдуалиева З.У. Гипонимо-эквонимические отношения в системе зоонимов русского и узбекского языков: Дисс. ... канд. филол. наук. – Душанбе, 2010. – 156 с.; Alefirenko N.F. Linguocultural nature of mentality // Язык. Словесность. Культура. 1/2011.; Алефиренко Н.Ф. Лингвокультурология: ценностно-смысловое пространство языка: Учебное пособие. 3-е изд. М.: Флинта: Наука, 2013. – 288 с.; Сабитова З.К. Лингвокультурология: Учебник. – М.: Флинта, 2013. – 524 с.; Мурзинова И.А. Эмблематичность образных характеристик лингвокультурного типажа «британская королева» в языковом сознании носителей британской лингвокультуры // Вестник ТГПУ (TSPU Bulletin). 2013. -№10. – С.138.; Бичер О. Русские пословицы и поговорки с компонентом-зоонимом (на фоне турецкого языка): Дисс. ... канд. филол. наук. – Смоленск, 2015. – 145 с.

Туркий халқларда зоонимларни лингвистик нуқтаи назардан тадқиқ этиш тарихи «Девону луғотит турк»га бориб тақалади. Луғатда халқ оғзаки ижодига оид 300 дан ортиқ шеърӣ парчалар, 291 та мақол ва матал келтирилган². Бу матнлар таркибида 200 га яқин зооним, жумладан, 100 га яқин қуш номи учрайди.

Ўзбек тилшунослигида лингвокультурология масалаларига бағишланган илк тадқиқотлар Ш.Сафаров, Н.Маҳмудов, Д.Худойберганова, Ш.Усмонова каби олимлар томонидан олиб борилган³. Зоонимлар, зооним компонентли матнларнинг лингвистик хусусиятлари Д.Х.Базарова, Ҳ.А.Саидова, Дж.Мэтякубов, Б.Б.Абдушукуров, Н.Р.Нишонова, Б.Зарипов, Б.М.Жўраева, Д.М.Юлдашева, Г.Э.Ҳақимова, А.Ж.Омонтурдиев, Ш.Норалиева каби олимлар томонидан ўрганилган⁴. Мазкур олимларнинг ишларида туркий ёзма манбалар тилидаги зоонимлар, зоологик терминларнинг шаклланиш босқичлари, мақолларнинг тил тизимида тутган ўрни, семантик-услубий хусусиятлари, зоонимларнинг маъно кўчимлари, бадий санъат турларини ҳосил қилишдаги, инсон характери ифодалашдаги аҳамияти, “хайвон” архисемали лексемалар майдонининг мазмуний таҳлили, ўзбек фольклорида бўри образининг мифологик талқини, шахс тавсифида хайвон номларидан фойдаланиш, бадий матнларнинг антропоцентрик талқини, ўзбек болалар фольклори тилида зоонимлар, зооним компонентли фразеологик бирликларнинг структуравий ва семантик хусусиятлари сингари масалалар таҳлил қилинган.

Бугунги кунга қадар олиб борилган тадқиқотларда зооним компонентли ўзбек мақолларининг лингвокультурологик аспектда махсус тадқиқ этилмаганлиги ушбу тадқиқот мавзусининг монографик планда ўрганилишини тақозо этади.

² Абдурахмонов Ф. “Девону луғотит турк” асарининг ўрганилиш тарихидан.// Ўзбек тили ва адабиёти. 2009, 6-сон. Б.49.

³ Сафаров Ш. Семантика. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2013. – 341 б.; Маҳмудов Н. Оламнинг лисоний манзараси ва сўз ўзлаштириш // Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент, 2015.-№3. – Б. 3–12; Маҳмудов Н. Тилнинг мукамал тадқиқи йўллари излаб... // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2012. – № 5. – Б. 3-16; Худайберганова Д.С. Ўзбек тилидаги бадий матнларнинг антропоцентрик талқини: Филол.фанлари д-ри ... дисс. – Тошкент, 2015. – 240 б.; Usmanova Sh. Tarjimaning lingvomadaniy aspektlari. – Toshkent: Toshkent davlat sharqshunoslik instituti, 2015. – 192 b.

⁴ Базарова Д.Х. История формирования и развитие зоологической терминологии узбекского языка. – Ташкент: Фан, 1978. – С. 222.; Саидова Ҳ.А. Ўзбек тилида хайвон номларининг шахс тавсифи вазифасида қўлланилиши: Филол.фанлари номзоди.... дисс. – Бухоро, 1995. – 178 б.; Мэтякубов Дж. Характеристика человека зоонимами в разносистемных языках: на материале английского и узбекского языков: Дисс. ... канд.филол.наук. – Ташкент, 1996. – 173 с.; Абдушукуров Б.Б. XI-XIV аср туркий ёзма манбалар тилидаги зоонимлар: Филол.фанлари номзоди.... дисс. – Тошкент, 1998. – 207 б.; Нишонова Н.Р. Ўзбек тилида “хайвон” архисемали лексемалар майдонининг мазмуний таҳлили: Филол.фанлари номзоди.... дисс. – Тошкент, 2000. – 120 б.; Зарипов Б. Зоонимларнинг бадий санъат турларини ҳосил қилишдаги иштироки (Алишер Навоий асарлари асосида): Филол.фанлари номзоди.... дисс. – Тошкент, 2002. – 128 б.; Жўраева Б. Мақолнинг ёндош ҳодисаларга муносабати ва маъновий хусусиятлари. – Тошкент: Фан, 2007. – 66 б.; Юлдашева Д.М. Ўзбек болалар фольклори тилида зоонимлар: Филол.фанлари номзоди.... дисс. – Тошкент, 2007. – 124 б.; Ҳақимова Г.Э. Зооним компонентли фразеологик бирликларнинг структуравий ва семантик хусусиятлари (инглиз тили материаллари асосида): Филол.фанлари номзоди.... дисс. – Тошкент, 2008. – 145 б.; Омонтурдиев А.Ж. Профессионал нутқ эвфемикаси (чорвадорлар нутқи мисолида): Филол.фанлари д-ри ... дисс. – Тошкент, 2009. – 252 б.; Норалиева Ш. Ўзбек фольклорида бўри образининг мифологик асослари ва бадий талқини. – Тошкент: Ал-фаба-сервис, 2013. – 115 б.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг “Тилнинг ижтимоий, тарихий ва замонавий тараққиёти” мавзусида олиб борилаётган истиқболли илмий тадқиқот ишлари режасининг таркибий қисми ҳисобланади.

Тадқиқотнинг мақсади зооним компонентли мақолларни лингвокултурология нуқтаи назаридан таҳлил қилиш, семантикасини ёритиш, халқ маданияти, қадриятлари, урф-одат, анъаналари, ижтимоий муносабатларига доир концептларни аниқлаш, тавсифлаш ва тасниф қилиш, шу асосда зооним компонентли матнларнинг лингвистик қийматини белгилашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ўзбек тилидаги зооним компонентли мақолларни тавсифлаш, таснифлаш, шунингдек, қардош бўлмаган тиллардаги интеграл маънога эга бўлган мақолларга қиёсан таҳлил қилиш, шу асосда зооним компонентли матнларнинг лисоний-маданий белгиларни тўплаш хусусиятини ёритиш;

зооним компонентли мақолларни тадқиқотларда қўлланган методлар асосида таҳлил этиш;

ўзбек тилидаги зооним компонентли мақолларни статистик жиҳатдан ўрганиш;

зооним компонентли мақолларни лингвокультурологик концептга кўра таснифлаш, уларни ўхшаш ҳамда фарқли семемалар асосида гуруҳлаш;

зооним компонентли мақолларнинг халқ дунёқараши, урф-одат, анъаналарини, стереотипларни, шахс феъл-атворини ёритишдаги ўрнини кўрсатиш;

зооним компонентли мақолларнинг семантик-услубий хусусиятларини ёритиш, мақоллардаги кўчимларни изоҳлаш;

зооним компонентли мақолларнинг семантик тараққиётини белгилаш; миллий қадриятлар ва ментал хусусиятларни ифодалаш нуқтаи назаридан уларга баҳо бериш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ўзбек тилидаги зооним компонентли мақоллар танланган. Таҳлил жараёнида ўрни билан рус, инглиз тилидаги мақолларга мурожаат қилинган.

Тадқиқотнинг предмети зооним компонентли мақолларнинг маданий хусусиятларни ифодалаш даражасини ўрганиш ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда анализ, синтез, чоғиштира, семантик, тавсифий ҳамда статистик таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

зоонимлар хилма-хиллигининг халқ маданий муҳити билан белгиланиши аниқланган;

зоонимларнинг мақолларда тил ва маданият муносабатларини акс эттирувчи birlikлар сифатида маълумот бериши асосланган;

миллий кадрият, урф-одат ва анъаналарнинг, ижтимоий муносабатларнинг зооним компонентли мақолларда ифодаланиш даражаси аниқланган;

зооним компонентли ўзбек мақолларининг семантик ва лингвокультурологик хусусиятлари очиб берилган, концептуал гуруҳлари аниқланган;

зооним компонентли мақолларда метафора, метонимия, синекдоха, вазифадошлик каби кўчим турларининг намоён бўлиши ва шу асосда таъсирчанликни таъминлаши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

зооним компонентли ўзбек мақолларида акс этган “инсонпарварлик”, “меҳнатсеварлик”, “оилапарварлик”, “ватанпарварлик”, “меҳмондўстлик”, “хамжихатлик”, “аҳиллик”, “бирдамлик” концептлари барқарор бирикмалар семантикасини ёритишда, ўзбек халқи миллий, маданий ҳамда ижтимоий-сиёсий онгининг юксалишида, ёш авлод дунёқараши, тафаккурини шакллантиришда ҳамда жамиятнинг ахлоқий-эстетик ва маънавий-маърифий такомилда муҳим аҳамият касб этиши асосланган;

лингвокультурологияга доир тадқиқотлар умумлаштирилган, берилган тавсифлар кейинги тадқиқотлар учун таянч манбани аниқлашда йўлланма вазифасини ўташи мумкинлиги кўрсатилган;

зооним компонентли ўзбек халқ мақоллари мисолида умуминсоний маданият ҳамда инсоний кадриятлар, миллат ва элатлар урф-одатлари, анъаналари ёритилган;

ўзбек халқ мақолларидаги зоонимларининг ўзига хос хусусиятлари аниқланган, тимсолларнинг янги талқини амалга оширилган;

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги назарий маълумотларнинг илмий манбалардан олинганлиги, қўлланилган таҳлиллар анализ, синтез, чоғиштирма, семантик, тавсифий ва статистик таҳлил методлари воситасида асосланганлиги, назарий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тилшуносликнинг янги йўналишлари, хусусан, лингвокультурологиянинг назарий асосларини ўрганишда, миллий матнларга хос хусусиятларни тадқиқ этишдаги аҳамиятини ёритишда, тадқиқ манбаларини аниқлашда, зооним компонентли мақолларнинг лингвокультурологик қийматини белгилашда кўринади. Диссертацияда келтирилган фикр-мулоҳазалар зооним компонентли ўзбек мақолларининг лисоний-маданий хусусиятлари ёритилган илмий манба сифатида хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олий таълим тизимида лингвокультурология, ономастика, социолингвистика, тил тарихига доир фанларидан дарслик ва ўқув қўлланмалари яратишга, ихтисослик фанларини ўқитишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Зооним компонентли мақолларнинг лингвокультурологик хусусиятларини аниқлаш бўйича олинган натижалар асосида:

поэтик матнда қўлланган халқ мақоллари ва фраземалар билан боғлиқ ўринларни таҳлил қилишда, халқ достонларида қўлланган эпик от, туя, ит, бўри ва бошқа жониворлар образининг мифологик асослари масаласини ёритишда халқ мақолларидаги жониворлар билан алоқадор халқ ишончлари ҳамда улар тўғрисидаги тасаввурларнинг келиб чиқиш тарихига доир қарашлардан “Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари” 100 жилдлигининг ўттиз тўртинчи (“Зулфизар”: достонлар) жилдида берилган “Зулфизар” достони вариантларини нашрга тайёрлаш, матн юзасидан луғат тузиш ва илмий изоҳлар ёзишда тадқиқот натижаларидан фойдаланилган (Фан ва технологиялар агентлигининг 2017 йил 14 июлдаги ФТА-02-11/315-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланиши натижасида илмий изоҳлар тузилган, поэтик матнда қўлланган халқ мақоллари ва фраземалар билан боғлиқ ўринлар таҳлил қилинган;

Алишер Навоий ижодида кенг қўлланган *ит, от* тимсолларининг бадиий-эстетик аҳамияти ҳамда мазмунини ёритишда “Алишер Навоий образининг тасвир ва талқинларига бағишланган ўқув қўлланмаларини тайёрлаш ва нашр этиш” амалий лойиҳасида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 27 ноябрдаги 89-03-2994-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида лойиҳа материаллари янги илмий манба ва қарашлар билан бойиган.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “Ўзбекистон” телеканалининг “Билимдон” интеллектуал танловида бўри компонентли мақоллардаги тотемизм билан боғлиқ қарашлардан, “Биз учун муҳим”, “Заковат” кўрсатувларида тилнинг тўплаш вазифаси, мақолларнинг миллий-маданий қарашларни акс эттиришдаги ўрни, шахс характери билан боғлиқ концептларни ёритишда туя, от, тулки, арслон компонентли мақоллар таҳлилидан, зоонимларнинг шахс феъл-атворини таъсирчан ифодалашдаги аҳамиятини кўрсатишда қуш, балиқ, ит компонентли мақоллар изоҳидан фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “Ўзбекистон” телеканалининг 2017 йил 29 ноябрдаги 02-13-2019-сон маълумотномаси). Бу орқали ушбу кўрсатувларнинг илмий-оммабоплиги таъминланган, янги манбалар билан такомиллашган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро, 26 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 50 та илмий иш, жумладан, 1 та изоҳли луғат (хаммуаллифликда), Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 19 та мақола, жумладан, 15 таси республика ҳамда 4 таси хорижий журналларда нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиб, умумий ҳажми 134 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқотнинг жорийланиши, натижаларнинг эълон қилинганлиги ҳамда диссертация тузилиши ҳақида маълумот берилган.

Диссертациянинг **“Зооним компонентли матнларнинг тил тизимидаги ўрни ва лингвокультурология”** деб номланган биринчи бобида зоонимлар ва зоонимлар иштирокидаги мақолларнинг лингвистик тадқиқи, лингвокультурологияга доир тадқиқотлар тавсифи ва зооним компонентли мақоллар статистикаси хусусида маълумотлар келтирилган.

Зооним компонентли матнларни ўрганиш турли халқлар маданий хусусиятлари билан танишиш имконини беради. Шунингдек, бу жараён ҳозирда мавжуд бўлмаган ҳайвонлар ҳақида маълумотга эга бўлиш, маданиятлар муштараклиги ёки фарқли жихатларини аниқлаш имкониятини ҳам яратади. Шу боис зооним компонентли матнларни, хусусан, мақолларни тадқиқ этиш тилшуносликнинг бир қатор масалаларини ҳал қилишда аҳамиятлидир.

Бугунги кунда лингвокультурология, этнолингвистика, психоллингвистика, социоллингвистика ва бошқа йўналишлар доирасида зоонимлар тадқиқига бағишланган изланишлар олиб борилаётган бўлиб, улар зоологик терминлар мисолида муайян халққа хос хусусиятларни ўрганишга хизмат қилади.

Туркий халқларда зоологик терминларни лингвистик нуқтаи назардан тадқиқ этиш қадим тарихга эга. Даставвал, зоонимлар Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» асарида келтирилган. Луғатда 400га яқин зоонимлар, шу жумладан, юзга яқин қуш номлари изоҳланган. А.Шчербакнинг уй ва ёввойи ҳайвонлар номларини ўрганишга бағишланган тадқиқотида⁵ туркий тилларда азалдан мавжуд бўлган ва кейинги даврларда муомаладан чиқиб бораётган 62та зооним этимологик, семантик жихатдан таҳлил қилинган. А.Шчербак тадқиқотида келтирилган бир турдаги ҳайвонларнинг жинсига, ёшига кўра турлича номланиши ҳақидаги маълумотлар туркий халқларнинг чорвачиликка асосланган турмуш тарзи, маданий муносабатлари ҳақида маълумот беради. Қирғиз тадқиқотчиси Э.Айдоғмуш турк ва қирғиз тилларидаги зоонимларни ўрганган. Ҳар иккала тилдаги майда ҳайвонларнинг жинси, ёшига кўра номлари, хонаки ва ёввойи

⁵Шчербак А.М. Названия домашних и диких животных в тюркских языках //Историческое развитие лексики тюркских языков. – М., Акад.наук.СССР,1961.-С.82-150.

хайвон номлари таснифланган, зооним компонентли фразеологизмлар таҳлил қилинган. Шунингдек, хонаки ва ёввойи хайвон номларининг ясалиши ўрганилиб, зоолексиканинг тарихий қатламлари аниқланган⁶. Тадқиқот зоонимлар этимологияси, шаклланиш тарихини ёритишда аҳамиятлидир. Д.Базарованинг “Ўзбек тили зоологик терминологиясининг шаклланиш ва ривожланиш тарихи” номли тадқиқотида ўзбек тилида мавжуд қуш номларига тўхтаб ўтилган. Маданий, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий алоқалар натижасида ўзбек тилида содир бўлган ўзгаришлар қуш номларининг вариантлашуви, дублетлар ва синонимларнинг юзага келишига сабаб бўлганлиги таъкидланган⁷. Тадқиқотда ўзбек тилидаги қуш номлари тадқиқи асосида туркий тилларга хос орнитонимлар тавсифланган. Б.П.Зарипов номзодлик диссертациясида Алишер Навоий ижодида бадий санъатларни ҳосил қилишда 337 та зооним қўллангани ҳақида маълумот беради. Улардан 117 таси чорва моллари, 94 таси қуш номлари, 9 таси судралиб юрувчи хайвон номлари, 48 таси ёввойи хайвон номлари, 41 таси хашарот ва бошқа майда жониворлар, 6 таси сув хайвонлари, 12 таси афсонавий жонзотлар номи эканлиги қайд этилган. Зоонимларнинг жинси, ранг-туси ва ёшига қараб номланиш асослари келтирилган⁸. Б.Абдушукуровнинг номзодлик диссертациясида XI-XIV асрлар оралиғида яратилган туркий ёзма манбалар матнида қўлланган зоонимлар лексик-семантик, функционал-семантик ҳамда структур-грамматик жиҳатдан таҳлил қилинган. Тадқиқот туркий луғат фондида мавжуд зоонимларнинг семантик гуруҳларини аниқлашда аҳамиятлидир⁹. А.Омонтурдиев¹⁰, Д.Юлдашева¹¹, Г.Ҳақимова¹², Н.Нишонова¹³, Ҳ.Саидова¹⁴ тадқиқотларида зоонимлар ва улар билан алоқадор белгилар таҳлил этилган.

Лингвокультурологиянинг тадқиқот йўналишлари кенг тармоқли бўлиб, улар қуйидагича гуруҳланади: синхрон, диахрон, киёсий, чоғиштирама лингвокультурология. Тадқиқотни амалга ошириш жараёнида лингвокультурология доирасида ёзилганетмишга яқин диссертация ўрганилди. Лингвокультурологияга доир тадқиқотлар мазмунига кўра қуйидагича гуруҳланди: лингвокультурологик концепт ҳамда оламнинг лисоний манзараси таҳлил қилинган диссертациялар; шахс ва у билан боғлиқ

⁶Айдогмуш Э. Турк жана кыргыз тилиндеги зоонимдер: Дисс. ... канд. филол. наук. – Бишкек, 2004. – 198 с.

⁷Базарова Д.Х. История формирования и развитие зоологической терминологии узбекского языка. – Т.: Фан, 1978. – С. 222.

⁸Зарипов Б. Зоонимларнинг бадий санъат турларини ҳосил қилишдаги иштироки (А.Навоий асарлари асосида): Филол.фанлари номзоди.... дисс. – Т., 2002. – 128 б.

⁹Абдушукуров Б.Б. XI-XIV аср туркий ёзма манбалар тилидаги зоонимлар. Филол.фанлари номзоди.... дисс. – Т., 1998. – 207 б.

¹⁰Омонтурдиев А.Ж. Профессионал нутқ эвфемикаси (чорвадорлар нутқи мисолида): Филол.фанлари д-ри ... дисс. – Тошкент, 2009. – 252 б.

¹¹Юлдашева Д.М. Ўзбек болалар фольклори тилида зоонимлар. Филол.фанлари номзоди.... дисс. – Т., 2007. – 124 б.

¹²Ҳақимова Г.Э. Зооним компонентли фразеологик бирликларнинг структуравий ва семантик хусусиятлари (инглиз тили материаллари асосида): Филол.фанлари номзоди.... дисс. – Т., 2008. – 145 б.

¹³Нишонова Н.Р. Ўзбек тилида “хайвон” архисемали лексемалар майдонининг мазмуний таҳлили: Филол.фанлари номзоди.... дисс. –Тошкент, 2000. – 120 б.

¹⁴Саидова Ҳ.А. Ўзбек тилида хайвон номларининг шахс тавсифи вазифасида қўлланилиши: Филол.фанлари номзоди.... дисс. – Бухоро, 1995. – 178 б.

ҳис-кечинма, воқеа-ҳодиса, нарса-предмет таҳлилига бағишланган диссертациялар; лисоний ва нутқий бирликлар, уларнинг семантик мундарижаси тадқиқига бағишланган диссертациялар; оммавий ахборот воситаларида қўлланиладиган бирликлар тадқиқига бағишланган диссертациялар.

Бобда лингвокультурологияга доир манбалар¹⁵, Н.Алефиренко¹⁶, З. Сабитова¹⁷, В.Маслова¹⁸, И.Назарова¹⁹, О.Дмитриева²⁰, О.Артемова²¹, Е.Курченкова²², С.Никитина²³, М.Стрельникова²⁴, Е.Комаров²⁵, Ф.Смирнов²⁶ тадқиқотларига тўхтаб ўтилди. Ўзбек тилшунослигида лингвокультурология масалаларига бағишланган илк тадқиқотлар Н.Маҳмудов, Д.Худойберганава, Ш.Усманова каби олимлар томонидан олиб борилган²⁷.

Жаҳон тилшунослигида яратилган бир қатор тадқиқотлар зооним, зооним компонентли матнларнинг лингвокультурологик аспектдаги таҳлилига бағишланган. Ш.Мазҳитаева²⁸, Г.Кулсарина²⁹, И.В.Куражова³⁰, С.Тлехатук³¹, М.Горбенко³², Н.Киндря³³, Д.Тишкина³⁴,

¹⁵Language image of the World and National Mentality. www.harvard.edu; Маслова В. Лингвокультурология: Учебное пособие. – М.: Academia, 2001. – С. 6; Linguo-Cultural Aspect of Interrelation of Language and Culture.

¹⁶Алефиренко Н.Ф. Лингвокультурология: ценностно-смысловое пространство языка: Учебное пособие. 3-е изд. М.: Флинта: Наука, 2013. – 288 с.

¹⁷Сабитова З.К. Лингвокультурология: Учебник. – М.: Флинта, 2013. – 524 с.

¹⁸Маслова В.А. Новые русские пословицы: когнитивный и лингвокультурологический аспекты // Вестник Новгородского государственного университета им. Ярослава мудрого. – Новгород, 2014.- № 77. – С. 35-39.

¹⁹Назарова И.П. Функционирование библеизмов в русском и немецком языках и лингвопрагматические особенности вариантов перевода: Дисс. ... канд. филол. наук. Краснодар, 2001. – 167 с.

²⁰Дмитриева О.А. Культурно-языковые характеристики пословиц и афоризмов (на материале французского и русского языков): Дисс. ... канд. филол. наук. Волгоград, 1997. – 186 с.

²¹Артемова О.Е. Лингвокультурная специфика текстов прецедентного жанра “лимерик” (на материале английского языка): Дисс. ... канд. филол. наук. – Уфа, 2004. – 235 с.

²²Курченкова Е.А. Культурно-языковые характеристики текстов газетных объявлений (на материале английской и русской прессы): Дисс. ... канд. филол. наук. – Волгоград, 2000. – 169 с.

²³Никитина С.В. Национальная специфика текста промышленной рекламы (на материале русскоязычных и англоязычных периодических изданий по вычислительной технике): Дисс. ... канд. филол. наук. – Воронеж, 1998. – 173 с.

²⁴Стрельникова М.А. Национальные особенности речевого жанра телеинтервью в российской и американской коммуникативных культурах: Дисс. ... канд. филол. наук. – Воронеж, 2005. – 205 с.

²⁵Комаров Е.Н. Ценностные ориентиры в заголовках французских и российских средств массовой информации: Дисс. ... канд. филол. наук. – Волгоград, 2003. – 198 с.

²⁶Смирнов Ф.О. Национально-культурные особенности электронной коммуникации на английском и русском языках: Дисс. ... канд. филол. наук. – Ярославль, 2004. – 206 с.

²⁷Маҳмудов Н. Оламнинг лисоний манзараси ва сўз ўзлаштириш // Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент, 2015.- №3. – Б. 3–12; Маҳмудов Н. Тилнинг мукамал тадқиқи йўллари излаб... // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2012. – № 5. – Б. 3-16; Худайберганава Д.С. Ўзбек тилидаги бадий матнларнинг антропоцентрик талқини: Филол.фанлари д-ри ... дисс. – Тошкент, 2015. – 240 б; Худайберганава Д. Лингвокультурология терминларининг қисқача изоҳли луғати. – Тошкент: Turon zamin ziyo, 2015. – 41 б; Usmanova Sh. Tarjimaning lingvomadaniy aspektlari. – Toshkent: Toshkent davlat sharqshunoslik instituti, 2015. – 192 b.

²⁸Mazhitayeva Shara and others. Universal and Idioethnic Characteristics of Proverbs and Sayings with Zoonyms in the English and Kazakh Languages. Review of European Studies; Vol. 7, No. 6; 2015. ISSN 1918-7173 E-ISSN 1918-7181. Published by Canadian Center of Science and Education.

²⁹Kulsarina G. Ethno-cultural features of zoonyms in the Bashkir language (based on folklore texts). Vestnik Bashkirskogo Universiteta. 2015. Vol. 20.No. 2.Pp. 538-542.

³⁰Куражова И.В. Имена животных как отражение ценностной картины мира в английской лингвокультуре: Дисс. ... канд. филол. наук. – Иваново, 2007. – 167 с.

³¹Тлехатук С.Р. Зоонимы в русском и адыгейском языках: семантико-словообразовательный и лингвокультурологический аспекты: Дисс. ... канд. филол. наук. – Майкоп, 2001. – 201 с.

Р.Батсурэн³⁵, О.Бичер³⁶, Қ.Гафарова³⁷, Ф.Гукетлова³⁸, Дж.Мэтякубов³⁹ тадқиқотлари, асосан, рус тилидаги зооним компонентли матнларнинг лисоний-маданий хусусиятлари таҳлиliga бағишланган. Зоонимлар ва зооним компонентли мақолларнинг лингвокультурологик таҳлиliga бағишланган тадқиқотлар семантик таҳлилga асосланган бўлиб, зооним ва зооним компонентли бирликларда акс этган миллий маданий хусусиятлар асосида хулосалар чиқарилган.

Тадқиқот жараёнида зооним компонентли мақоллар ажратилиб, семантик, лингвокультурологик жиҳатдан таҳлил қилинди. Ўзбек, инглиз ва рус тилларидаги зооним компонентли мақоллар ўрганилди. Таҳлил натижаларига кўра ўзбек тилида 97 турдаги зооним иштирок этган 1668та мақол мавжудлиги аниқланди. Қиёслаш мақсадида инглиз тилида 68 турдаги зооним иштирок этган 466та; рус тилида 40 турдаги зооним иштирок этган 202та мақол аниқланди. Тадқиқот натижасида зооним компонентли мақоллар ўзбек халқ оғзаки ижодида нисбатан кўп эканлиги кузатилди. Бу миқдор туркий халқларнинг, жумладан ўзбек халқининг, асосан, чорвачилик, овчилик билан шуғуллангани, табиат ҳодисалари, ҳайвонлар ҳаракати, хусусиятларини синчковлик билан кузатганлиги билан белгиланади. Мақолларда уй ҳавонлари номининг учраши чорвачилик талаблари, шароитига боғлиқ бўлса, ёввойи ҳайвон номларининг кузатилиши овчилик фаолияти билан алоқадор.

Туркий халқлар, ўзбек халқининг яшаш тарзини белгилайдиган, тирикчилик фаолияти бўлган чорвачилик, овчилик мақолларда ифодаланган ҳайвон номларининг тур жиҳатидан хилма-хиллигини таъминлаган.

Тадқиқот натижаларига кўра ўзбек тилидаги зооним компонентли мақолларда 34та парранда, 20та уй ҳайвони, 19та ёввойи ҳайвон, 19та ҳашарот, 4та сувда яшовчи ва 1та судралиб юрувчи ҳайвон номлари; инглиз тилидаги зооним компонентли мақолларда 19та парранда, 16та ёввойи ҳайвон, 15та уй ҳайвони, 9та ҳашарот, 7та сувда яшовчи ва 2та судралиб юрувчи ҳайвон номлари; рус тилидаги зооним компонентли мақолларда 16та парранда, 14та уй ҳайвони, 5та ёввойи ҳайвон, 2та ҳашарот, 2та судралиб юрувчи ва 1та сувда яшовчи ҳайвон номлари қўлланилган. Инглиз тилидаги

³²ГорбенкоМ.В.Стереотипы восприятия зоонимов в межкультурных коммуникациях: Дисс. ... канд. филол. наук. – Челябинск, 2009. – 196 с.

³³Киндря Н.А. Английские и русские фразеологизмы с компонентом-зоонимом в свете истории культуры: Дисс. ... канд. филол. наук. – М., 2005. – 203 с.

³⁴Тишкина Д.А. Фразеологические единицы с компонентом-зоонимом в английском и русском языках: сопоставительный анализ: Дисс. ... канд. филол. наук. – Казань, 2008. – 218 с.

³⁵Батсурэн Р., Отображение универсальных и этноспецифических черт языковой картины мира в фразеологических фондах английского, русского и монгольского языков (на материале фразеологизмов-соматизмов и зоонимов): Дисс. ... канд. филол. наук. – Саратов, 2010. – 231 с.

³⁶Бичер О., Русские пословицы и поговорки с компонентом-зоонимом (на фоне турецкого языка): Дисс. ... канд. филол. наук. – Смоленск, 2015. – 145 с.


³⁷ГафароваҚ.Т. Сопоставительный анализ фразеологических единиц с зоонимами и фитонимами в таджикском, немецком и русском языках: Дисс. ... канд. филол. наук. – Душанбе, 2007. – 208 с.

³⁸Гукетлова Ф.Н. Зооморфный код культуры в языковой картине мира (на материале французского, кабардино-черкесского и русского языков): Дисс. ... док. филол. наук. – Москва, 2009. – 267с.

³⁹Мэтякубов Дж. Характеристика человека зоонимами в разносистемных языках: на материале английского и узбекского языков: Дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1996. – 173 с.

мақолларда сувда яшовчи ҳайвонлар номининг кўп учраши аҳолининг сув ҳавзаларига яқин яшаганлиги, ижтимоий-иқтисодий ҳаётида балиқчилик муҳим ўрин тутганлиги билан изоҳланади.

Зоонимларнинг қўлланилиш миқдорига кўра ўзбек, инглиз ва рус тилларидаги мақолларни қуйидаги диаграмма асосида қиёслаш мумкин:



Ўзбек халқ мақоллари таркибидаги зоонимларни семантик жиҳатдан олти гуруҳга бўлиб ўрганиш мумкин:

- уй ҳайвонлари номи: *бия, бузоқ, гўсала, буқа, гунажин, ит, кучук, қўй, қўчқор, мол, мушук, от, той, туя, хўкиз, эчки, эшак;*
- ёввойи ҳайвонлар номи: *айиқ, арслон, бўри, йўлбарс, кийик, фил, шер;*
- сувда яшовчи жонзотлар номи: *балиқ;*
- судралиб юривчи жонзотлар номи: *илон;*
- қушлар номи: *балапон (полапон), бедана, булбул, загизгон, зогча, қарга, лайлак, товус, тувалоқ, тўрғай, турна, турумтой, шунқор;*
- паррандалар номи: *ўрдак, гоз, товуқ, хўроз;*
- ҳашаротлар ва қумурсқалар номи: *ари, бит, бурга, мита, чаён, чивин, чигиртка.*

Статистик таҳлил натижаларига кўра ўзбек тилидаги мақолларда *бўри, илон, ит, қуш, қўй, мол, от, туя, эшак, эчки, қарга, балиқ, қуён*; инглиз тилидаги мақолларда *bird (қуш), cat (мушук), cow (сигур), dog (ит), donkey (эшак), fish (балиқ), goose (гоз), horse (от), mouse (сичқон), pig (чўчқа), sheep (қўй), wolf (бўри)*; рус тилидаги мақолларда *волк (бўри), заяц (қуён), конь (от), корова (сигур), кошка (мушук), курица (товуқ), медведь (айиқ), свинья (чўчқа), скот(мол)* каби зоонимлар кўп қўлланилган. В. Боктаева инглиз тилидаги 100 та мақол, матални таҳлилга тортади ва *bird* (қуш (28), *dog* (ит (18), *cat* (мушук (16), *horse* (от (13), *fish* (балиқ (10), *wolf* (бўри (8), *fox* (тулки (7) зоонимлари, рус тилидаги мақолларда *птица (қуш), собака (ит), кошка (мушук), конь/лошадь (от)*; ёввойи ҳайвонлардан *волк (бўри), лиса (тулки)* зоонимлари нисбатан кўп қўлланиганини таъкидлайди⁴⁰.

Аммо *полапон, буламиқ, гўсала, загча, калхат, қовоқ ари, қора шақшақ, қузгун, мита, мусича, товус, тўрғай* каби зоонимлар ўзбек тилидаги мақолларда; *badger* (бўрсик), *beetle* (суварак), *butterfly* (капалак), *colt* (хўтик), *crab* (қискичбақа), *duck* (ўрдак), *eel* (илонбалиқ), *gnat* (чивин), *goat* (эчки),

⁴⁰Боктаева В.Л. Пословицы и поговорки с зоонимическим компонентом и их национально-культурная специфика в русском и английском языках. – Вестник Калмыцкого университета, 2016. – №1(29). – С.39.

jackdaw (зоғча), *molehill* (кўрсичқон), *nightingale* (булбул), *peacock* (товус), *sparrow* (чумчук), *swan* (окқуш), *whale* (кит) каби зоонимлар инглиз тилидаги мақолларда; *бык* (буқа), *голубь* (кабутар), *дятел* (қизилиштон), *жаворонок* (сўфитўрғай), *змея* (илон), *муха* (пашша), *петух* (хўроз), *уж* (сувилон), *утка* (ўрдак) каби зоонимлар рус тилидаги мақолларда нисбатан кам қўлланилган.

Ишнинг “**Зооним компонентли мақоллардаги концептлар таҳлили**” деб номланган иккинчи бобида зоонимларнинг халқ маданий ҳаётини ифодалашдаги аҳамияти, халқ мақолларидаги ҳайвон образлари ҳамда уларнинг лисоний-маданий хусусиятлари тадқиқ этилган.

Кейинги даврларда ўзбек тилшунослигида семантик алоқадорликни ҳосил қилувчи бирликларни концепт асосида тадқиқ этиш кенг ёйилди. Даставвал, концепт – хотира, билим бирлиги, тил ва нутқда намоён бўлувчи олам манзарасидир⁴¹. Концепт термини уч хил семантикада қўлланади:

1. Когнитив тилшуносликда: инсон онгининг ментал ва рухий имкониятлари, унинг билими ва тажрибасини акс эттирувчи ахборот тизими бирлиги. 2. Лингвокультурологияда: менталлик хусусиятига ҳамда лисоний ифодага эга бўлган, этномаданий ўзига хослик билан ажралиб турувчи жамоа онги бирлиги. 3. Психолингвистикада: инсоннинг билиш ва мулоқот фаолиятида юзага келадиган, унинг руҳияти қонуниятларига бўйсунувчи ҳаракатчан перцептив-когнитив-аффектив тузилма⁴².

Тадқиқотимизда “концепт” терминини лингвокультурологияга оид мазмунда, яъни “менталлик хусусиятига ҳамда лисоний ифодага эга бўлган, этномаданий ўзига хослик билан ажралиб турувчи яхлит тушунча”ни ифодалаш мақсадида қўлладик. Ўзбек халқ мақоллари таркибида фаол қўлланган зоонимларнинг турли концептларни ифодалашдаги ўрнини ёритишга ҳаракат қилдик.

Зоонимларнинг мақоллар таркибидаги қўлланиш даражаси ҳар хил. Ўзбек мақолларида *балиқ*, *тўнғиз*, *фил* зоонимлари кам учрайди. *Бўри*, *арслон*, *ит*, *от*, *туя* зоонимлари кўп кузатилади. Бу ҳолат ҳайвонот олами, яшаш муҳити, халқнинг ментал хусусиятлари билан изоҳланади.

Бобда *бўри*, *арслон*, *ит*, *от*, *туя* компонентли мақоллардаги концептлар таҳлил этилган. Ҳар бир халқ ўз тарихи, дунёқараши, ўзига хос мифологик тасаввур оламига эга. Ушбу жараёни тадқиқ этиш, мазкур тасаввур билан боғлиқ рамзлар тизимини ўрганиш ўша халқнинг турмуш тарзи ва маънавий дунёсини яқиндан билиш имконини беради⁴³. Масалан, *ит* компонентли мақолларда халқнинг ментал хусусиятлари ўз ифодасини топган. “Кишилар фаолияти тарихида ов қилувчи ва қўриқловчи илк хонаки ҳайвон ит ҳисобланган”⁴⁴. Ўзбек халқ мақолларидаги *ит* образи турли ижтимоий

⁴¹Балашова Е.Ю. Концепты *любовь* и *ненависть* в русскои американском языковых сознаниях. Дисс. на соиск... канд. фил. наук.-Саратов, 2004. С. 36.

⁴²Худойберганаева Д. Лингвокультурологик терминларнинг қисқача изоҳли луғати. –Т.:Turon zamin ziyo, 2015. Б. 25.

⁴³Норалиева Ш. Ўзбек фольклорида *бўри* образининг мифологик асослари ва бадий талқини. – Тошкент: Ал-фаба-сервис, 2013. – Б. 99.

⁴⁴Муҳаммаджонов А. Бўри култининг илдизлари ва талқинларига доир. // Ўзбек тили ва дабиёти. – Тошкент, 2011. -№4. –Б.39-40.

муносабатларни, халқ тасавури, фикри, мушоҳадасини ифодалаш учун хизмат қиладиган тимсоллардан бири саналади. *Ит* компонентли мақолларда ҳаётий тажриба асосидаги хулосалар ўз ифодасини топган. Зоонимларнинг нутқда воқеланиши турлича бўлиб, ҳар бир зооним ўзига хос белгиларига кўра фарқли хусусиятларга эга бўлади, инсон табиатининг турли жиҳатларини ёритишга хизмат қилади. *Ит* зоонимининг шахсни салбий муносабат асосида баҳолаш мазмуни ўзбек ва инглиз тилларидаги мақолларда ўзаро мос келади. “Dog (ит) зооними инглиз тилида ёрқин акс этувчи салбий бўёқдорликни ифода этади ва қуйидаги маъноларни ифодалайди: “яроқсизлик”, “пастлик”, “кўрқоқлик”, “тўмтоқлик”⁴⁵. Зоонимларнинг юқоридаги маъноларда қўлланиши ўзбек тилидаги мақолларда ҳам кузатилади.

Мақоллардаги *ит* тимсоли ҳар бир халқ кундалик турмушига хос белги-хусусиятларни қамраб олади. Ит компонентли мақолларда қуйидаги концептлар ифодаланган (жами: 21 хил концепт):

1. “Очкўзлик” концепти. *Ит, бўри ва загизгон* образлари ўзбек халқ мақолларида очкўз, баднафс кимсалар хулқ-атворини ифодалашга хизмат қилади. *Ит қорни тўйган уйдан кетмас* мақолида итга муносабат даражаси ифодаланган. *Эр туққан ерига, ит тўйган ерига* мақоли инсоннинг туғилган жойга талпиниши, итнинг эса қорни тўйган ерни маъқул кўриши ўз аксини топган. *Эт бор ердан ит кетмас* мақолида ҳам ит хатти-ҳаракатида озуқа муҳим аҳамиятга эга эканлиги акс этган. *Итнинг кўнгли – бир суяк; Итнинг дарди – суякда* мақолларида даромад келадиган жойга макон қуриб оладиган, кечаю кундуз фойданинг кетидан қувадиган, меҳнатсиз роҳат илинжидаги очкўз ва баднафс кимсалар табиати танқид қилинган. *Итнинг ёнида сўнғак ётмас; Ит теккан суякда илик қолмас; Итнинг дарди – суякда* мақолларида очкўзлик, нарса-буюм ва мол-давлатга ортиқча ҳирс қўйиш ҳолатлари қораланган бўлиб, мажозий маънода, бундай кимсалар тўғри хулоса чиқариб, ҳаётда мақбул йўлни танлашга даъват этилган.

2. “Пастлик” концепти. *Ит сарқитини йўлбарс емас; Ит искаган сувни йўлбарс ичмас* мақолида ит образи номард ва салбий хусусиятларга эга шахс табиатини, йўлбарс тимсоли ижобий маъно бўёғидаги мард ва жасур инсонлар феъл-атворини ёритишга хизмат қилган. Мақолдаги *ит-йўлбарс* зидлигида *ит* лексемасида *йўлбарсга* нисбатан “пастлик” семаси намоён бўлган. *Ит тумшугини тиққан ерга сув ичгали шер келмас* мақолида итнинг шерга нисбатан “пастлиги” акс этган. *Итдан қолганини мушук ичмас* мақолидаги *ит-мушук* зидлигида *мушук* лексемасидаги “пастлик” (*итга* нисбатан) таъсирчанликнинг ошишини таъминлаган, *ит* лексик бирлигидаги “пастлик”ни кучайтириб тасвирлашга хизмат қилган. Мажозий маънода инсонлардаги тубанлик илллати қораланган.

Мақоллардаги ит образи ижобий ёки салбий маъно касб этишига кўра, дастлаб, икки гуруҳга ажратилади. Ижобий маъно ифодаси учун хизмат

⁴⁵Боктаева В.Л. Пословицы и поговорки с зоонимическим компонентом и их национально-культурная специфика в русском и английском языках. – Вестник Калмыцкого университета, 2016. – №1(29). – С. 39.

қиладиган *ит* тимсоли “вафодорлик”, “меҳнатсеварлик”, “ватанпарварлик”, “ориятлилик”, “озодалик”, “шукроналик”, “хайр-барака” каби концептларни ҳосил қилса, салбий маънода “очкўзлик”, “ношукурлик”, “фаросатсизлик”, “лаганбардорлик”, “пасткашлик”, “ахлоқсизлик”, “тамагирлик”, “эринчоклик”, “номардлик”, “жанжалкашлик” концептларини ифода этади.

Ўзбек халқ мақолларида *ит* тимсоли ижобий характер-хусусиятни тасвирловчи восита сифатида инсониятга хос фазилатларни намоён этишда ўзига хос ўрин тутади. *Бевафо ёрдан вафодор ит яхши, бевафо ёрдан осилган дор яхши* мақолида *бевафо ёр – вафодор ит*га ва *осилган дор*га зидланмоқда. Ёрдаги “юксаклик” (инсон), *ит*даги “пастлик” (хайвон) семалари *бевафо – вафодор* зидлигига уйғун ҳолда намоён бўлган. *Осилган дор* қофия (сажъ) талаби биланқўлланган, “ўлим” тушунчасини таъсирсан акс эттирган. *Ит – вафо, хотин – жафо; Ит - чўпоннинг қўлдоши, ёлғизликда йўлдоши; Ит эгаси учун, қуш томоғи учун; Ит эгасига ҳурмас* мақолларида итнинг эгасига одатдаги садоқати хусусида фикр юритилган. Инсон ҳамиша унга кўмаклашган, зарур пайтда ёрдам қўлини чўзган, меҳр-муҳаббат билан муомала қилган одамларни ёдида тутиши, шунга яраша жавоб қайтариши лозимлиги англашилади.

Ўзбек тилида ит компонентли мақолларда қуйидаги концептлар ифодаланган:



Шунингдек, **бўри** компонентли мақолларда “очкўзлик”, “шафқатсизлик”, “ёндошлик”, “бирдамлик”, “вазият”, “хушёрлик”, “ожизлик”, “барқарор куч-қудрат”, “айбдорлик”, “турғунлик”, “мардлик”, “ишонч”, “таваккал қилиш”, “тақдирга ишонч” (жами: 14 хил концепт); **арслон** компонентли мақолларда “насл”, “лафз”, “куч-қудрат” (жами: 3 хил концепт); **от** компонентли мақолларда “бирдамлик”, “улуғворлик”, “мавқе”, “кут-барака”, “яхлитлик”, “гадрижийлик”, “ҳурмат”, “совчи”, “улов”, “ҳозирлик”, “қудачилик”, “куч-қудрат”, “ёш”, “мақтанчоклик”, “сабр”, “серфарзандлик”, “қадр”, “завол”, “меҳнатсеварлик”, “ғурур”, “орият”, “қатъият”, “бирдамлик” (жами: 23 хил концепт); **туя** компонентли

мақолларда “улов”, “чидамлилиқ”, “сабр-тоқат”, “бақироклик”, “мадад”, “ҳеч қачон содир бўлмаслик”, “манманлик”, “об-ҳаво” концептлари (жами: 8 хил концепт) ифодаланган.

Ишнинг **“Зоонимкомпонентли мақоллар функционал хусусиятларининг лисоний-маданий тадқиқи”** деб номланган учинчи бобида ўзбек халқ мақоллари таркибида қўлланган зоонимларнинг окказионал семалари, прагматик семали ҳосила маънолар; маъно кўчиш усуллари; зооним компонентли мақолларда ўхшатишлардан фойдаланиш; улардаги зидликнинг лингвокультурологик хусусиятлари каби масалалар ёритилган.

Ўзбек халқ мақолларида шахс тавсифида қўлланган ўхшатиш асосидаги зоонимларни шартли равишда қуйидаги маъно гуруҳларига ажратиш мумкин:

1. Ташқи кўриниш ва тана тузилиши ўхшашлигини ифодаловчи зоонимлар: “баҳайбат” гавда *филга*, “новча” *бўйжирафага* ўхшатилади. Масалан, *Ўнқир эди, чўнқир эди – уйим эди, айиқ эди, сайиқ эди – эрим эди* мақолида аёл турмуш ўртоғининг ташқи кўриниши, бесўнақай гавдаси айиққа ўхшатишган. Мақолдаги *сайиқ* сўзи луғатларда учрамади. Бу сўз *айиқ* сўзининг фонетик ўзгарган кўринишдаги такрори.

2. Овоз, оҳанг ўхшашлигини ифодаловчи зоонимлар: “хушовоз” инсон *булбулга*, “вайсақи” шахс *тўти, бақага*, “бақирок” одам *туяга* ўхшатилади.

3. Хатти-ҳаракат ўхшашлигини ифодаловчи зоонимлар: “бир жойда ўтира олмайдиған, чаққон, ҳаракатчан” шахс *маймунга*, “секин, лапанглаб ҳаракатланадиган” шахс *тошбақага* қиёсланади.

